ПАЛИЙ, ПРАКРИТ ВА АПАБҲАРАНША ТИЛЛАРИДАГИ СОНЛАРГА ХОС ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ВАРИАНТЛИЛИК ҲОДИСАСИ (БИРЛИКЛАРГА ОИД СОНЛАРГА ХОС ЛЕКСЕМАЛАР МИСОЛИДА)

Сирожиддин Нурматов, *Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, филология фанлари номзоди*

Аннотация: Мазкур мақолада ўрта ҳинд-орий тиллари гуруҳига оид палий, пракрит ва апабҳаранша тилларидаги сонларга хос лексемалардаги вариантлилик ҳодисаси лисоний жиҳатдан таҳлил қилинган. Тилшунос олимларнинг илмий асарлари асосида бирликларга оид сонларга хос лексемалар атрофлича ўрганилган. Палий, пракрит ва апабҳаранша тилларидаги сонларга хос лексик бирликлар таркибидаги вариантлилик ҳодисаси тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: сўзнинг варианти, фонетик вариант, лексема, лигатура, сон сўз туркуми, саноқ сон, бирликлар.

Annotation: This article linguistically analyzes the phenomenon of variation in number lexemes in Pali, Prakrit and Apabharansha which are characteristic of the middle Indo-Aryan group of languages. On the basis of the scientific works of linguists, lexemes specific to numbers related to units have been thoroughly studied. The phenomenon of variation in number-specific lexical units in Pali, Prakrit and Apabharansha languages is studied.

Key words: variants of the word, phonetic variant, lexema, ligature, word sequence, cardinal numeral, units.

Ҳинд тилшунос олимлари барча ҳинд-орий тилларининг ривожланиш босқичларини уч даврга тақсимлаганлар. Булар, қадимги ҳинд-орий тиллари даври (эр.ав. 1500дан - эр.ав. 500-йилигачи), ўрта ҳинд-орий тиллари даври (эр.ав.500дан – эрамизнинг 1000-йилигача) ҳамда янги ҳинд-орий тиллари даври (1000-йилдан то ҳозирги давргача) [5: 41]. Ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган барча тиллар санскритдан келиб чиққанлиги илмий



асарларда тадқиқ этилган [3, 6, 7]. Мазкур мақолада ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган палий, пракрит ва апабҳаранша тилларидаги бирликларга оид сонларга хос лексемаларнинг шаклланишида содир бўлган вариантлилик ҳодисаси тадқиқ этилади.

Вариантлилик ҳодисаси бошқа тиллардаги лексик бирликларда бўлганлиги каби ҳинд-орий тилларида ҳам кенг ривож топган. Айниқса, ўрта ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб бўлган палий, пракрит ва апабҳаранша тилларидаги сонларга хос лексик бирликлар таркибидаги вариантлилик ҳодисасини тадқиқ этиш эътиборга моликдир.

Илмий манбалардан маълум бўлишича, вариант – бу лотинча varians, variantis сўзларидан олинган бўлиб, у “ўзгарувчи” деган маънони англатади. Тил бирлигининг турли-туман ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган шакли, демакдир. У икки гуруҳга бўлинади: 1) Аффикснинг варианти. Аффикснинг фонетик (товуш) таркиби жиҳатидан тури. Масалан, *обрўйи – обрўси, уйга – теракка – булоққа , кузги – кечки, келгунча – бириккунча – чиққунча* каби. 2) Сўзнинг варианти. Сўзнинг бирор жиҳатдан ўзгачаликка эга бўлган кўринишлари. Сўз турли жиҳатдан вариантларга (фонетик, орфоэпик, морфологик ва бошқа вариантларга эга бўлиши мумкин). Масалан, *думалоқ – юмалоқ* (фонетик вариант), *гулдай – гулдек* (морфологик вариант), *изла – иста* (диалектал вариант) ва бошқалар [4: 96].

Мазкур мақолани ёзишда ўрта ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб бўлган палий, пракрит ва апабҳаранша тилларидаги бирликларга оид сонларга хос лексемалар танлаб олинди. Таҳлил жараёнларига кўра бирликларга оид сонларга хос лексик бирликлар таркибида битта вариантга эга бўлган сўзлар билан биргаликда, икки ёки тўртта вариантларга эга бўлган лексемалар қатори ҳам борлиги кузатилди. Қуйида жадвал асосида ўрта ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб бўлган палий, пракрит ва апабҳаранша тилларидаги бирликларга оид сонлардаги вариантлилик ҳодисаси аниқланади.



Палий, пракрит ва апабҳаранша тилларидаги бирликларга оид сонларга хос лексемаларнинг шаклланишида вариантлилик ҳодисаси

Бирликлар	**Палий тилида**	**Пракрит тилларида**	**Апабҳаранша тилида**
Бир	एक eka	एक्क ekka	एक्क ekka एक ek
Икки	दो do	दो do	दो do
Уч	तीणि ti:ni	तिण्णि tinni	तिण्णि tinni तिण्ण tinna तिन्नि tinni तीन ti:n
Тўрт	चत्तारि chatta:ri	चत्तारि chatta:ri	चयारि chya:ri चारि cha:ri
Беш	पंच pancha	पंच pancha	पंच pancha
Олти	छअ chha	छअ chha छ cha	छह chhah
Етти	सत्त satta	सत्त satta	सत्त satta
Саккиз	अट्ठ attha	अट्ठ attha	अट्ठ attha
Тўққиз	नव nava	नव nava णव nava	णव nava नव nava

Палий тилидаги бирликларга оид сонларга хос лексемалар фақат битта вариантга эга бўлиб, уларнинг шаклланишида вариантлилик ҳодисаси учрамайди. Жумладан: एक eka “бир”, दो do “икки”, तीणि ti:ni “уч”, चत्तारि chatta:ri “тўрт”, पंच pancha “беш”, छअ chha “олти”, सत्त satta “етти”, अट्ठ attha “саккиз”, नव nava “тўққиз”.



Пракритларга оид бирликларга оид сонларнинг шаклланишида фақатгина छअ chha, छ cha “олти” ва नव nava, णव nava “тўққиз” каби лексемалар таркибида вариантлилик ҳодисаси мавжуд бўлиб, булар иккитадан шалга эга. Қолган бирликларга оид лексемалар биттадан шаклга эга (एक्क ekka “бир”, दो do “икки”, तिण्णि tinni “уч”, चत्तारि chatta:ri “тўрт”, पंच pancha “беш”, सत्त satta “етти”, अट्ठ attha “саккиз”).

Апабҳаранша тилида эса एक्क ekka, एक ek “бир”, चयारि chya:ri, चारि cha:ri “тўрт”, णव nava, नव nava “тўққиз” каби сонларнинг шаклланишида вариантлилик ҳодисаси мавжуд бўлиб, булар иккитадан шаклга эга. Фақатгина तिण्णि tinni, तिण्ण tinna, तिन्नि tinni, तीन ti:n “уч” саноқ сонига хос лексема тўртта шаклга эга эканлиги билан бошқа сонларга хос лексемалардан фарқ қилади. Қолган бирликларга оид лексемалар эса биттадан шаклга эга (दो do “икки”, पंच pancha “беш”, छह chhah “олти”, सत्त satta “етти”, अट्ठ attha “саккиз”).

Юқорида олиб борилган таҳлил натижаларига кўра умумий ҳолатда қуйидаги хулосаларни келтириб ўтиш мумкин.

1. Ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий, пракрит ва апабҳаранша тилларидаги бирликларга хос лексемаларнинг шаклланишида вариантлилик ҳодисаси содир бўлганлиги аниқланди. Таъкидлаш жоизки, фақат палий тилига хос бўлган бирликларга оид сонларнинг шаклланишида вариантлилик ҳодисаси мавжуд эмас, яъни улар биттадан шаклга эга.

2. Пракритларга хос бирликларга оид лексемаларнинг шаклланишида вариантлилик ҳодисаси мавжуд бўлиб, улар фақатгина иккита лексема таркибида учради ва улар иккитадан шаклга эга. Апабҳаранша тилидаги бирликларга оид сонларнинг шаклланишида вариантлилик ҳодисаси нисбатан кўп учрайди. Ушбу тилда вариантлилик ҳодисаси содир бўлган сонларга хос лексемалар нафақат иккита шаклга, балки тўртта шаклга эга эканлиги билан ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган бошқа тиллардаги



шакллардан фарқланади.

3. Ўрта ҳинд-орий тилларидаги бирликларга оид сонларга хос лексемаларнинг бир неча вариантлари таҳлили натижаларига кўра маълум бўлдики, уларнинг барчаси фонетик вариант хусусиятига эга. Бирликларга оид сонларга хос лексемаларнинг шаклланишида лигатура шакллари ҳам содир бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Зограф Г.А. Языки Южной Азии. – М.: Наука, 1990.

2. Низомиддинова С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. – Т.: Фан, 1974.

3. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003.

4. Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002. -Б.27.

5.भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972.

6. भोलानाथ तिवारी, किरण बाला - हिन्दी वर्तनी की समस्याएँ। -दिल्ली, 1991.

7. भोलानाथ तिवारी -भाषाविज्ञान संसार की भाषाएँ और उनका वर्गीकरण। - इलाहाबाद, 1996.

8. हरदेव बहरी। भाषा का विकास। -दिल्ली, 1992.